

Mustaqillik huquq demakdir

Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 8-dekabr, №49 (778)

Бош прокуратурада

Парламентда

Мустиқлигимиз тарихидаги энг улуг саналардан бири 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганнинг 19 йиллиги юртимизнинг барча жойларида кенг тантана қилинмоқда. Ана шу санага бағишланган байрам тантанаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.

Улуғ байрам

О. МУСАЕВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қолиров тантанани кириш сўзи билан очар экан, иштирокчиларни байрам билан табриклаб, Бош Қонунимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти, қолаверса, унинг умуминсоний ва демократик моҳиятининг ҳаёт билан ҳамоҳанглиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимларининг мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматлари доимо эътиборда. Бугун зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни সিқдирилган ва фидокорона бажарётган ҳамкасбларимиз кўксини давлатимизнинг орден ва медаллари безаб турибди. Йилдан-йилга бу саф кенгайиб бораётир.

Президентимизнинг 2011 йил 26 августдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси мустиқлигининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ прокуратура органлари ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Бош прокуратура иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи УЛУҒБЕК ДЖАЛИЛЎВИЧ СУННАТОВ "Меҳнат шўҳрати" ордени билан, Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими бош тафтишчиси НЕМАТЖОН АЛМАТОВИЧ ХАЛИКОВ "Дустлик" ордени билан, Сурхондарё вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи КОМИЛЖОН АБДУСАИДОВИЧ НАЗАРОВ "Жасорат" медали билан, Бош прокуратура судларда фуқаролик иш-

лари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори МУХАЕ АХТАМОВНА АШУРОВА, Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи АБДУКАХ-ХАР АБДУСАТТАРОВИЧ ТУХТАБАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи АМИНБАЙ АЛИМБАЕВИЧ АЙТИМБЕТОВ "Содиқ хизматлари учун" медали билан, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи ТОЛИБЖОН АБДУАЗИЗОВИЧ УМАРОВ, Бош прокуратура прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари АЗИЗБЕК АЗАМОВИЧ НАЗАРОВ, Жиззах вилояти Ғаллаорол туман прокуратураси катта ноизи ФАТИМА АХМУРАТОВНА БУРИБОВЕВА, Тошкент вилояти Оққўрғон туман прокуратураси катта ноизи НАИЛА РАХИМОВНА СУЛТАНОВА, Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туман бўлими бошлиғи ҚОШҚАРБАЙ САРСЕНБАЕВИЧ ИБРАГИМОВ, Сирдарё вилоят прокуратураси 1-тоифали мутахассиси РАИСА АНАТОЛЬЕВНА ЭМ "Шўҳрат" медали билан мукофотланган эдилар.

Бош прокурор давлат мукофотларини ўз эгаларига тантанали равишда топширар экан, зиммаларидаги улкан ишончнинг оқлашда уларга улкан зафарлар, мустиқкам соғлиқ, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилади.

Ялпи мажлис яқунланди

Ў.ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш тарзини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттириш мақсадлида 5-6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва ибораларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мажлиснинг Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентнинг юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли Қарори қабул қилинди. Қарорда амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қўлланиш тартиби белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материаллари суд томонидан кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Унда Давлат бюджетида таълим, соғлиқни сақлашни молиялаштиришни кўпайтириш, иш ҳақи ва икхимоий тўловларни ошириш назарда тутилган. Шунингдек, сенаторлар 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишда

айрим танқидий фикрларни ҳам билдириб, муҳокамалардан сўнг уларни тасдиқладилар.

Ушбу масалалардан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидан киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари мuddатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилга қисқартиришни назарда тутиши кўрсатиб ўтилди. Хар томонлама муҳокамадан кейин қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан кейин "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги каби кўнлаб Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенаторлар икки кунлик ялпи мажлисда 26 та масала, 15 та қонун ва Сенат ваколатига қирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик ораксида жиноят содир этган шахслар,

шунингдек ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кунга киргунга қадар бир йилдан ошмаган мuddат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо мuddати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам

ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалмиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо мuddати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

- а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок мuddатга ёки

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибиде жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1—4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4—6-бандларининг амал қилиши — мuddатдан амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли қўмига ва комиссияларга ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъулик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 декабрь

И.СОБИРОВ



Евроосиё гуруҳининг 15-ялпи мажлиси яқунлари

Саидбор **ГУЛЯМОВ**,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Халқаро алоқалар бўлими
бошлиғи

Жорий йилнинг 23-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурлига СВОЖЖДЛҚК Департаменти ва Марказий банки вакиллари ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси Жинной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг (ЕОГ) Сяминь шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтган 15-ялпи мажлисида иштирок этиб қайтди.

Ялпи мажлис ишида ЕОГга аъзо давлатларнинг, Жинной даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи Гуруҳи (ФАТФ) вакиллари, шунингдек, ЕОГнинг кузатувчи мақомига эга бўлган йигирмадан ортиқ давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлис давомида ЕОГ Раиси тайинланишига доир масала кўриб чиқилди. Хитой вакилининг таклифи ва ЕОГнинг навбатдаги Раиси О.Марковнинг тавсиясига кўра 2012-2013 йиллар учун ЕОГ Раиси сифатида Россия Федерацияси Молиявий мониторинг бўйича Федерал хизмат раҳбари Юрий Чиханчин сайланди.

Шунингдек, ялпи мажлис томонидан ЕОГнинг Ижрочи қотиби вазифасини бажарувчи лавозимига Б.Торопов (Россия) тайинланди.

Ялпи мажлисининг очилиш маросимида ЕОГнинг Раиси этиб сайланган Ю.Чиханчин ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг (ФАТФ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки) вакиллари халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган жинной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг глобал тизимини яратиш борасидаги ЕОГнинг сазъ-ҳаракатларини юқори баҳолашди.

Шу жумладан, ЕОГ Раиси Ю.Чиханчиннинг таъкидлашича, ЕОГга аъзо бўлган деярли барча давлатлар жинной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимларини шакллантиришди ва уларни такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттиришмоқда. Бунинг тасдиғи ЕОГ томонидан олиб борилган ўзаро баҳолашнинг биринчи босқичидир.

Шунингдек, ЕОГ Раиси ЕОГ аъзо-давлатларнинг эътиборини ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичи бошланишидан олдин биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган масалаларга (ФАТФнинг янгиланган Тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш каби масалалар) қаратди.

ФАТФ вакилининг маълумотига кўра, ФАТФ Тавсияларининг янги таҳрири 2012 йил февраль ойида тасдиқланиши кўзда тутилган. ФАТФ Тавсияларининг янги таҳрири жинной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида кўрилаётган чораларнинг самардорлигини ошириш, шунингдек, коррупцияга, оммавий қиргин қуролини тарқатишга, Интернетдан қонунга хилоф равишда фойдаланишга қарши курашишда янги таҳдидларни аниқлашга қаратилган.

Ялпи мажлис давомида Хиндистон давлати ЕОГ тўғрисидаги Битимни имзолади. Шундай қилиб, ташкилотнинг ҳуқуқатларо мақомини белгилайдиган мазкур ҳужжатга ЕОГнинг барча давлатлари қўшилди.

Ялпи мажлис ЕОГнинг Кўзилди бўйича ишчи гуруҳини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиб, ушбу гуруҳларнинг ҳамраислар лавозимига Т.Артамонова (Россия) ва Ш.Хаджимуратов (Ўзбекистон) номзодларини маъқулади ҳамда 2012-2013 йиллар учун гуруҳнинг мандатини ҳам тасдиқлади.

ЕОГнинг халқаро ташкилотга айланиши муносабати билан ялпи мажлис кузатувчиларнинг янги таркибини тасдиқлаб, (12 та давлат ва 17 та халқаро ташкилот) кузатувчиларни "ЕОГнинг 2012 йил учун чора-тадбирлар Режаси" ни бажаришда иштирок этиш масаласини кўриб чиқишга қақарди.

ЕОГнинг 15-ялпи мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси вакиллари икки томонлама учрашув ўтказишди. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурлидаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан Беларусь Республикаси давлат назорати Қўмитасининг Молиявий мониторинг департаменти ўртасида жинной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Идораларо йиғилиш

тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига бағишланди

Самарқанд вилоят прокуратурасида мамлакатимизда жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган вилоят идораларо йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Самарқанд вилоят ҳокимлиги, барча назорат-текширув идоралари, тижорат банклари, адлия, прокуратура органлари ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг шу даврига қадар вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот қиймати 3 триллион 134,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, шундан кичик тадбиркорлик улуши 81,7 фоизга етган.

Ўтган даврда вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 660 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Тадбиркорларнинг фаолиятига қонунчилик аралаштириш, тўсқинлик қилиш ва бошқа қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 13 та жиноят ишлари кўзга ташланди.

Эътиборлиси шундаки, 197 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. 570 та кичик бизнес субъектлари очилишига амалий ёрдам берилиб, 1467 та янги иш ўринлари яратилди. Фақатгина вилоят прокуратураси органларининг бевосита аралашуви билан фаолият

кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларидан 135 тасининг фаолияти тикланиб, 347 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар билан 346 маротаба учрашувлар ташкил қилинди. Учрашувларда 27 минг 933 нафар тадбиркор иштирок этди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 191 дан ортиқ ҳар хил муаммолар кўтариб чиқилган бўлса, уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, ҳал қилинди. Шунингдек, 2019 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Прокуратура органларидаги "007" рақамли ишонч телефонига 166 та мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатлар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, ҳал этилган, шундан 123 таси қаноатлантирилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларига 106,8 гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалик экинларини екиш учун ва 8 нафар тадбиркорга 1,08 гектар ер майдони ажратилишида, 2 млрд. 941,9 млн. сўм кредит, 30 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 20 тонна минерал ўғит олишда, 77 млн. 400 минг сўмлик қарздорликни ундиришда, 30 та ҳолатда рўйхатдан ўтишда ҳамда электр энергияси билан таъминланишида, жами 89 нафар тадбиркорлик субъектла-

Алишер **ТУРУМОВ**,
Самарқанд вилоят
прокуратураси
бўлим катта прокурори
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Hиқид»

рига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Йиғилишда шунингдек, назорат-текширув органлари ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги ва совуққонлик билан қарагани боис тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунчилиги ҳар ой яқини билан ўрганилиб чиқилмоқда. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари тегишли прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф қилиниши таъминланмоқда.

Жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятига қўмақлашда ҳокимликлар, назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан етарлича эътибор берилмасдан, янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига, уларнинг қонуний манфаатларини поймол қилиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан прокуратура органлари томонидан кескин чоралар кўрилиши айтиб ўтилди. Шунингдек, тадбиркорларни қизиқтирган муаммолар ечими бўйича тушунтиришлар берилди.

Биз интилаётган жамият

XX асрнинг 90-йилларига келиб, жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлат сифатида Ўзбекистон бутун дунё ҳамжамияти нигоҳини ўзига қаратади. Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда жамиятининг барча соҳаларида прогрессив ўзгаришлар юз берди.

Юртбошимиз айтганидек, мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Давлатимизнинг мустақиллиги Конституция билан мустаҳкамланди. Асосий Қонунимиз жаҳон харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил топганлигини ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлади.

Конституциямиз қабул қилинганидан сўнг ўтган 19 йил миллий қонунчилик тарихида ўзига хос бир даврни ташкил этади. Бу давр миллий қонунчилик тизими ташкил топган, шаклланган, ҳуқуқий ислохотлар, қонун ижодкорлиги кўникмаси, тажрибаси вужудга келган давр бўлди.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик кадрлар ҳар биримизнинг қалбимиз, онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу кадрлар нечоғли асраб-авайлашиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқдир. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, конституциявий

талабларга риоя этиш ўта муҳим саналади.

Кўнғирот туман прокуратураси томонидан Конституциянинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғибот қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг энг чекка ҳудудлари ҳисобланган Кўнғирот туманида жойлашган "Жаслик" ва "Қорақалпоғистон" посёлкаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги олдидан учрашувлар ўтказилди.

Байрамолди тадбирида посёлкадаги умумтаълим мактаб ўқувчи ва ўқувчилари ҳамда шу ҳудудда яшовчи оқсоқоллар ва тадбиркорлар қатнашишди. Учрашувда сўзга чиққанлар Конституцияда ўз ифодасини топган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, виждон эркинлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқа тартиб-тамоийлар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, тадбирда иштирокчиларга кичик бизнес ва тадбиркорлик йили муносабати билан қабул қилинган қарор ва фармонлар, тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Я.БАБАДЖАНОВ,
Кўнғирот туман прокурори

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати

1992 йил 8 декабрь куни XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат дунёсиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий асоси вужудга келганини тасдиқлади. Конституциянинг қабул қилиниши қонунчиликдаги мустақиллик бўлди. Чунки ҳар бир халқ, давлат ва жамиятнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари қонуний билан кафолатланиб, муҳофаза қилинади.

Президент Ислам Каримов Конституциямиёз ҳақида тўхталиб, "Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан тугилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир... Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий ғоясига кўра, янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамият дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро - жамият - давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий ечимини топишга интилади", дея таъкидлаган эди.

Бош Қонунимиёз Бирлашган Миллатлар Ташкилати ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган демократик давлатлар мутахассисларининг синчков назоратидан ўтди ва жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилди. Чунки у энг ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсибир давлатнинг тайёр конституциясини кўрувона кўчириб олиш йўлидан бориш эмас, балки энг илгор ҳорижий конституциявий тажрибалар ўрганилиб, улардан ижодий фойдаланилган.

Конституциямиёз инсон билан давлатнинг ўзаро муносабатлари қўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими, ушбу ҳужжат инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Унинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган 2-бўлими БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг барча принцип ҳақида қоидаларига тўла-тўқис мосдир.

Россиялик эксперт Н.Мишиннинг фикрича, "Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдига масъулиятни чуқур ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқларни, умумэтироф этилган нормаларни тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ҳиёрат мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз муҳассамини топган". Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдиэларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба давомида сайқал топган ва шаклланган маънавий қадриятларни, шарқона донолик ва тафаккур ҳазинаси дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган. Жаҳонда мислсиз маданият, тарих, сиёсат ва фикр ёдгорликлари ҳисобланган "Темур тузуклари", "Зафарнома", "Фозил одамлар шаҳри" каби манбалар



мазмуни Конституциямиёзга сингдирилган. Ундаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, ижтимоий адолат, миллий гурур, саховатпешалик, баррикенглик каби қадриятлар буюк аждоғларимиз асарларидаги дурдона фикрлар билан ҳамоҳангдир.

Халқимизнинг неча минг йиллик бой тарихига назар солсак, фуқаролар ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси ҳамда давлатни идора қилиш тартибига қаратилган қонунқоидалар мажмуи инсоният тарихида муҳим омили бўлиб хизмат қилганига амин бўламиз.

Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарига шахар ҳокимининг асосий фазилатлари қаторида адолатли бўлишни ҳам қайд этиб, "Ўз табиати билан адолатли севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабрзулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлин" деса, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз тузукларида "... адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Хайр-эхсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим".

Юқорида қайд этилган асарлардаги ижтимоий адолат, фуқаропарварлик, баррикенглик ва саховат, меҳр-шафқат ҳамда юксак одоб-ахлоқ нормалари айнан Конституциямиёзга ўз ифодасини топгани эътиборга моликдир. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунари устуворлиги Соҳибқирон бобомизнинг "Қаерда қонун ҳукмонлик қилса, шу ерда адолат барқарор бўлади", деган гапи билан ҳамоҳанглиги ҳам бежиз эмас.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир шахс ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди. Бошқача айтганда, улар қундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Конституцияни ўзларининг таянчи ва суянчи деб билдилар.

Бош Қонунимиёзнинг V ва VII бобларида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаётий қоида-талаблари белгиланган. Унинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонуналарда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди", деб белгилашга эса давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳар бир фуқаро олдигаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Унинг X боби инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган бўлиб, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатларини мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига, демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган Конституциямиёзда халқ-

кафолати

Худойкул ТУРДИБОЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

қимизнинг тарихий тажрибаси, тинч-тотувлиги, авлодларимиз олдигаги масъулият, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари кафолати ўз ифодасини топган. Буни таъминлаш ва амалга оширишда прокуратура органлари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Ана шу қонунарга биноан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — бу инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, қонунарга бир хилда ва аник риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Давлат ўз фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликлар берар экан, улар зиммасига маълум даражада масъулият ҳам юклайди. Конституциямиёзнинг 48-моддасида "Фуқаролар Конституция ва қонунарга риоя этишига, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Ана шу мажбурият ҳар бир фуқарога Конституция ва қабул қилинган қонунарга ҳамда қарорларни чуқур ўрганиб, уларга ҳурмат билан қараш ва риоя қилиш вазифасини юклайди. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Демак, унинг фуқаролари ҳам ҳуқуқий маданиятга, қонун билан қуролланган ва ҳимояланган бўлиши керак. Шундагина улар қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар ва ўз фуқаролик бурчларини чуқур ҳис қиладилар.

Қадам-бақадм жаҳон ҳамжамиятига кириб, илгор демократик давлатлар сафига қўшилиб бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишдек конституциявий қондалар устувор вазифага айланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Юқорида таъкидлаганимиёздек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илгор қадриятлари чамбарчас боғлиқ эканлиги ўз аксини топди.

Эндики вазифа эса Конституцияни ҳидий ўрганиш, уни англаш, билиш ва унга асосланиб фаолият юритишдир. Шундагина ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалишига эриша оламиз. У эса бизни буюк мақсад — озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари бошлаб боради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Биз орзу қилаётган ҳаётга эришишни асосий шартли шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак".

Бу йил мустақил мамлакатимиз аҳолиси умумхалқ байрами — Конституциямиёз қабул қилинган қонуннинг ўн тўққиз йиллигини нишонлайди. Мана ўн тўққиз йилдирки, шу азиз заминини ўз Ватани деб билган суверен давлатимизнинг ҳар бир фуқароси бу кунни зўр қувонч билан қутиб олмақда.

Долзарб вазифа

Толибжон УМАРОВ,

Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари эканлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идораларининг фаолиятлари ҳамда вазифалари қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига қаратилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш, одам савдосидан жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Комиссиялар фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимият, давлат бошқаруви идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси томонидан 2011 йил 5 март куни "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасида 2011-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси" тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Қайд этиш керакки, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш, давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари тубдан такомиллашди ҳамда бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва ҳудудий идоралараро комиссияларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини тартибга солиш заруриятини келтириб чиқарди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда комиссиянинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи томонидан "Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссияларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш тўғрисида"ги Йўриқнома ишлаб чиқилди. Мазкур Йўриқноманинг тасдиқланиши комиссияларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш тартиби белгилашга, комиссияларда ҳужжатлар ҳисобининг юритилишига, ижро интизомни мустаҳкамлашга ва ҳодимлар масъулиятининг оширилишига хизмат қилади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмас экан, жойларда фуқароларнинг ишлаш мақсадида ҳорижий давлатларга ноқонуний равишда чиқиб кетишларининг олдини олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳудудий идоралараро комиссиялар одам савдоси муаммосининг ҳидийлигини, унинг замирида давлат, миллат обрўси, халқ саломадлиги, келажак авлоднинг тақдир этганлигини чуқур англаш, вазиятни ўнглашга қаратилган комплекс чоралар кўриши лозим. Бунда жамоатчилик ёрдамига суянishi зарур, албатта. Бу жараёнда ҳеч қачон четда турмасдан фаолият кўрсатиш, жойларда курашни бoшида маҳаллий ҳокимият органлари туриши қўзланган мақсадга эришиш имконини беради.

Доимий назоратда

Юртимизга қиш эрта келди. Ноябрь ойининг бошида ноқ қор ёғиши кўпчилик учун қутилмаган ҳол бўлди. Шунингдек, бу вазиет қишга тайёрлик борасида жойларда олиб борилган ишларнинг қай даражада пухта ташкил қилинганлигини ҳам синовдан ўтказди. Хусусан, Андижон вилоятида жорий йил куз-қиш мавсумига тайёрлик ва Юртбошимизнинг шу йил 11 июлда қабул қилинган "Республика иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2011-2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар бажарилган. Жумладан, вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланган.

2011 йил 24 ноябрь ҳолатига режадаги турар жойларнинг, иссиқлик, газ ҳамда совуқ сув тармоқларининг мукамал ва жорий таъмирлаш ишларида режа орқиси билан бажарилган бўлса-да, аммо бу ишга барча ҳам бирдек масъулият билан ёндашган, деб бўлмайди.

Масалан, вилоят буйича кўмир захираси 94, техник туз жамғариш 80, суюқ ёқилги (мазут) жамғариш режаси 4 ва суюлтирилган газ эса 20 фоизга бажарилган, ҳоло.

Соҳавий йўналишда ўтказилган текшириш ва таҳлиллар, айрим мансабдор ва масъул ходимлар фаолиятида қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Жумладан, Балқич туман халқ таълими бўлимига қарашли 17-сонли мактабга таълим муассасаси биносини куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлаш мақсадида таъмирлаш ишларини амалга оширган "Дурдона люкс" хусусий фирмаси томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига 13 млн. 140,1 минг сўмлик қўшиб ёзиш орқали кўп миқдордаги бюджет маблағлари талон-тороқ қилинган бўлса, Бўз туманидаги 17-мактабга таълим муассасасида бажарилган таъмирлаш ишлари ҳажмига 1 млн. 12 минг 435 сўмлик маблағ қўшиб ёзилган. Шунингдек, муассаса мансабдор шахслари, хусусан, мудири О.Солыева иш қиларини белгилловчи табелларда номига 0,5 ставка тарбиячи вазифасини расмийлаштириб, 2010 йил сентябрь ойидан 2011 йилнинг сентябрга ойга қадар жами 1 млн. 156 минг 989 сўм иш ҳақи олиб келган. 2011 йил давомидан банк муассасасидан иш ҳақи учун олинган 447 млн. 486 сўм миқдордаги нақд пуллар муассаса газнасига қирим қилинмай, 105 минг 800 сўмлик махсуслот фазначи Э.Собиров томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-тороқ қилинган. Муассасанинг ишчи-ҳодимларига ҳисобланган 200 минг сўм миқдоридagi моддий ёрдам пули нотўғри тўланган. Иш ҳақи учун ажратилган 461 минг 640 сўм миқдордаги маблағ обунга учун, бошқа ишлар учун эса яна 643 минг 600 сўм, жами 1 млн. 305 минг 240 сўм бюджет маблағининг мақсадсиз сарфланшига йўл қўйилган.

Вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси очик акциядорлик жамияти тасарруфидagi Марҳамат иссиқлик тизими шўба қорхонасининг мансабдор шахслари 2011 йилнинг 1 ноябрь кунги ҳолатига муддати ўтган 26,9 млн. сўмлик дебитор қарзларини ундириш чораларини кўрмаганлиги сабабли иш ҳақидан 3,1 млн. сўм қарадорлик вужудга келган. Бюджетдан бўлган 732 минг сўмлик тўлов белгиланган муддатларда амалга оширилмаганлиги учун 60 минг сўм устамга жарима қўлланilib, қорхона манфаатларига зарар

етказилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Айрим ҳолларда эса тегишли рухсатномаси бўлмагани ҳолда, кўмир махсуслотларини аҳолига сотиш билан шўғулланиш ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан зиммаларидаги кўмир махсуслотларини талон-тороқ қилиш ҳолатлари мавжудлиги кузатилаган.

Масалан, Қўрғонтепа туман халқ таълими муассасаларини фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 10-сонли мактабга таълим муассасасига ҳақиқатда 2011 йил 31 августда 24,6 тонна кўмир махсуслотлари берилган бўлса-да, Молия бўлими хўжалик ишлари буйича мудири А.Назаров мазкур муассаса мансабдорлари билан тил бириктириб, 44,8 тонна кўмир махсуслотлари олиб келинганлиги ҳақида ҳужжатлар тузиб, 1327,4 минг сўмлик 34,3 тонна кўмир махсуслотини ўзлаштириш йўли билан талон-тороқ қилган.

Ҳўжаобод туман тиббиёт бirlашмаси тасарруфидagi тугруқ комплексида иситиш тизими кўмир ва табиий газга мослаштирилиб, мавсумда 21 тонна кўмир захираси жамғариш режалаштирилган бўлса-да, бўлимда иситиш тизими қувурлари иссиқликни сақловчи махсус восита билан изоляция қилинмаган. Муассаса деразаси ойналарини учун полиэтилен плёнка ва рейка ташкил этилмай, иситиш тизимлари "Ўт ўчириш кўнглиги жамияти" ва ИИБ ёнган хавфсизлиги гуруҳи томонидан синовдан ўтказилмаган.

Натижаларига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартафат этиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, кўрсатиб ўтилган камчиликларга зудлик билан барҳам бериш ишлари назоратга олинган.

Шунингдек, исстеъмолчиларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш борасида ҳам қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Мисол учун, Андижон шаҳри ХТБга қарашли 5 та умумтаълим мактаблари ва 1 та мактабга таълим муассасасининг қозонхона ва иссиқлик узатиш тизимлари, ўрта махсус касб-ҳўна тарбияли бошқармасига қарашли Бўстон академик лицей, Чўлпон шўх кўчасида жойлашган АДУ филиали, Бобур шўх кўчасидаги Тиббиёт коллежи, вилоят тиш даволаш поликлиникаси қозонхоналарининг ҳам қишки мавсумга тайёр эмаслиги аниқланган. Шаҳар марказий шифохонаси ҳамда тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббий муассасалардаги қозон манометрлари эса давлат қиёсов қуригидан ўтказилмаган, қозонхонага масъул этилган шахслар учун йўриқномалар ишлаб чиқилмаган.

Натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини

Шуқурилло ЖўРАБОВ,
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартафат этиш юзасидан шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилган.

Бундан ташқари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, ишлаб чиқариш қорхоналарини узлуксиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида ҳам қатор қонунбузарликлар мавжуд экан.

Прокуратура органлари томонидан 27 та ҳолатда 148,7 млн. сўмлик, Департаментнинг ҳудудий бўлиmlари томонидан 22 та ҳолатда 142,6 млн. сўмлик электр ва табиий газдан ўзбошимчилик билан фойдаланилганлиги аниқланиб, натижаларига кўра 49 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Шунингдек, таъминотчи қорхоналар томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ҳамда ундирилган 32 млн. 12 минг 140 сўм миқдоридagi маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-тороқ қилинганлиги ҳолатлари буйича 7 та жиноят иши қўзғатилган.

"Водийгазтаъминот" унитар қорхонаси Андижон шаҳар филиалининг миқдорларга хизмат кўрсатиш бўлими назоратчи Г.Расулов ҳамда собиқ назоратчи Б.Дадажоновлар ўзаро тил бириктириб, Олтинкўл тумани "Жалабек" МФЙ, Далварзин кўчасида яшовчи фуқароларнинг ишончига кириб, улардан алдов йўли билан олинган 1600 АҚШ доллари миқдоридagi пулни кўлга киритиб, юқори босимли газ тармоғига улаштириш учун ҳеч қандай техник ҳужжатлари бўлмагани ҳолда қонунга хилоф равишда тармоққа улаб беришганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан назоратчиларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Избоскан туман прокуратураси томонидан олиб борилган тадбирлар давомида фуқаро Х.Маматқулов ўзига тегишли бўлган савдо шохобчасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 15 тонна кўмирни 225 сўмдан сотаётганлиги аниқланиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Соҳавий йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари якунига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартафат этиш ваколатига эга мансабдорлар номига 36 та тақдимнома киритилиб, 64 нафар шахс интизомий, 131 нафари маъмурий, 9 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган зарарларнинг 836 минг сўми айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. 54 нафар мансабдор ва масъул шахс қонунбузилишларга йўл қўймаслик ҳусусида расман оғўлантирилди. Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди. Қарангки, биз келтирилган мисолларда асосан раҳбарлар томонидан содир этилган қонунбузилишлар ҳақида сўз юритилган. Наҳотки, маълум бир жамоага бош бўлган мутасаддилар оқибатини ўйламай иш қўришади? Ёхуд улар зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ англаб етишмайдими?

Вилоят прокуратураси органлари томонидан соҳавий йўналишда назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган. Шунингдек таъкиллаш лозимки, амалга оширилмаётган бу улғув ўзгаришлар ва янгиланишларда, кўлга киритилаётган муваффақиятларда жамиятимизни ривожлантириш ва ислоҳ этишни, давлатчилигимиз ва унинг тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этди.

Конституция — улғувор ғоялар ифодаси

М.ЭРМАТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
ўринбосари

Бош Қонунимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини таъминлаш, замон талабларини англай оладиган, янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш бош мақсадлардан бири этиб белгиланган. "Биз ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга етмоқчи, мамлакатимиз тараққиётини жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, Ватанимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада оширмоқчи, жондан азиз фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, бунинг асосий шартини ва омили фақат битта — ҳаётга кириб бораётган ёш авлоднинг ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, унинг олдига кенг йўл очиб бериш, бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат", деб муҳтарам Президентимиз давлатимиз олиб бораётган ёшлар сиёсатининг бош мақсадларини ифодалаб берган эди.

Конституцияимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканлиги, етим болаларни ва ота-оналари васийлигиндан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болалар бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириш давлат ва жамият зиммасида эканлиги белгиланган. Ундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдига тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофиза қилиниши қайд этилган.

Соғлом ва баркамол авлоднинг шакллантириш, ёшларни миллий ҳамда умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги давлат ва жамият қурилишининг устувор йўналишларидан биридир. Айнан ушбу ёндашув ёшларга оид сиёсат дахлдор ва масъул бўлган давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига хос бўлиши лозим. Давлатимизда олиб бораётган сиёсатнинг ана шу устувор йўналишларидан келиб чиқиб, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини янада тўлиқ таъминлаш, ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани тақомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиб бориш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. 2008 йилда қабул қилинган "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, улар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш самардорлигини оширишга қаратилган ушбу қонун асосида амалдаги бир қатор қонун ҳужжатлари давр талабларига мувофиқ тақомиллаштирилди.

Мамлакатимиз Конституциясидаги оила, ёшлар ва вояга етмаганларга оид моддалар, ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қонунлар нафақат миллий қадриятларимиз, балки умминсоний ва халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўлиқ мос келади. Бу ўринда Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ошқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси эканлигини таъкидлаш жоиз. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенция, Ирқий қамситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жамласидандир.

"Мамлакатимиз ёшлар нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир". Президентимизнинг ушбу сўзларидан келиб чиқиб, ёшларни мамлакат тараққиётини таъминловчи муҳим ва ҳал қилувчи омил деб қабул қилиш тўғри бўлар эди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири шиддатли тараққиёт жараёналари даврида миллий ўзлгимизни сақлаган ҳолда, дунёдаги тенгдошлари билан бирдай фикрлайдиган, керак бўлса, бу борада рақобатлаша оладиган, онгли фуқаролик позициясига эга соғлом ва баркамол шахсни тарбиялашдир. Бу эса мустақиллигимиз ва давлатчилигимизни янада мустаҳкамлашнинг, мамлакат тараққиётини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бош Қонунимизда эса олдимизда турган ана шу вазифаларни амалга ошириш йўлидаги энг улғувор ғоялар ўз ифодасини топган.

Ўзлаштирилган миллионлар



Муқимжон Турдалиев билан ўзаро тил бириктириб, қолган маблагни ҳам ўзлаштириш йўли орқали талон-торож қилишди. Қилғиликни қилиб қўйган бошлиқ қилмишини яшириш мақсадида 2010 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган ҳисоботларга ишлар тўлиқ бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритади. Сўнгра уларни бош ҳисобчининг номидан ўзи имзолаб, етакчи мутахассисга ҳам тасдиқлатади-да, махсус штампни бостириб, имзолатгач, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИКга топширади. Оқибатда 2010 йилнинг 10 ноябрида фойдаланиш

Бугун Ўзбекистонда бунёд этилаётган янги, замонавий мактаблар, тиббиёт муассасалари, гузарлар, турар жойлари таъмирланаётган иншоотларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Хар бир иморатнинг меъморий ечимини, кўркамлиги-ю, муҳташамлиги ўзига ҳос, бетакрор. Ушбу бунёдкорлик ишларининг нафақат биз, балки шу эл фарзандлари бўлмиш миллатимиз келажаги учун хизмат қилиши эса, дилларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, беихтиёр шукроналик ҳиссини туямиз.

Шундай бўлса-да, бу каби савоб ишларни бажариш жараёнида ўз манфаатини умумхалқ манфаатидан устун қўйиб, қатор қонунбузарлик ҳолатларини солиқ эътиётанлар ҳам афсуски учраб турибди.

Мисол тариқасида Асака туманида давлат рўйхатидан ўтган "Аҳрорбек савдо локс" МЧЖнинг бошлиғи Хошимжон Камоловнинг қилмишларини оласек: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларга уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, 2010 йил март ойининг бошида МЧЖ билан Илбоскан туманидаги "Чувама" массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган 15 та уйни қуриб битказиш учун буюртмачи бўлган "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра "Аҳрорбек савдо локс" МЧЖ қурилиши 2010 йилнинг 10 ноябрга қадар 852 млн. 326 минг 450 сўм эвазига амалга ошириш мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, МЧЖнинг ҳисоб рақамига маблаг тушиши билан қурилиш ишлари бошланади. Аввало ҳаммаси жойида эди-ю, аммо пайти келиб, "галвир сувдан кўтарилганда", айрим камчиликлар аниқланади. Жумладан, уй-жойларни қуриб битказиш учун корхонанинг ҳисоб рақамига 2010 йилнинг 31 декабрига қадар келиб тушган 805 млн. 453 минг сўм маблағдан 602 млн. 751 минг сўми ҳақиқатда қурилиш учун ишлатилган. Бироқ, қолган 202 млн. 701 минг 692 сўмнинг қаерга кетгани номаълум эди.

Кўп ўтмай йўқолган маблагнинг ҳам "изи" топилди. Маълум бўлишича, МЧЖ бошлиғи Х.Камолов бош ҳисобчи Адҳамжон Якубов билан келишиб, 8 та муассаса, корхона ва таъшилотларга 33 млн. 106 минг 600 сўм, ОАТБ "Қишлоққурилишбанк" Андижон вилоят филиалидан бўлган кредит қарзи учун 55 млн. 368 минг 900 сўм ўтказиб, жами 88 млн. 475 минг 500 сўм пулларни смета-лоийҳада назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборишган экан. Шунингдек, бошлиқ ва бош ҳисобчи "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси лойиҳа, қидирув ва қурилиш техник назорати бўлими етакчи мутахассиси

учун топширилиши лозим бўлган уй-жойлар қуриб битказилмасдан, уй олиш мақсадида тўловларни амалга оширган 15 нафар фуқаронинг манфаатларига жиддий зарар etkazилди.

Х.Камоловнинг қилмишлари фақат шулардангина иборат эмас экан. Аниқланишича, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган бошлиқ 2010 йил якуни бўйича Асака туман Давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида жамият ҳисобчиси А.Якубовнинг имзоларини ҳамда ҳисоботларни қалбақлаштириб, Солиқ кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда, ягона ижтимоий тўлов учун 551 минг 200 сўм, пенсия жамғармасига 88 минг 200 сўм 4 фоизли суғурта бадали ва ишчи-хизматчилардан олинандиган даромад солиғи бўйича 5 млн. 253 минг 700 сўм, жами бўлиб 5 млн. 893 минг сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 октябрдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазириликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 504-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузиб, жамиятнинг 25 нафар ишчи-ҳодимларига 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 10 млн. 829 минг сўм иш ҳақлари берилишини таъминламай, уларнинг манфаатларига жиддий зиён etkazилганига сабабчи бўлганлар ҳам айнан бошлиқ билан бош ҳисобчи ҳисобланадилар.

Буни қарангки, давлат маблагини худди ўзиникидек "тасаруф" этишда "Аҳрорбек савдо локс" МЧЖ билан бемалол "рақобатлаша" оладиган корхоналар ҳам бор экан. 2009 йилнинг декабрь ойидан Андижон шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган "Ихтисос қурилиш равнак" хусусий корхонаси бошлиғи Адҳам Иминов худди Хошимжон Камоловдек иш тутди. Бу ҳолатда хусусий корхона билан Марҳамат туманидаги "Тар-тар" массивида 2010 йилда қурилиш режалаштирилган 16 та намунавий лойиҳа асосидаги уйларни қуриб битказиш учун буюртмачи бўлган "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси 2010 йил 20 майда 26-сонли шартнома имзолайди. Унга кўра хусусий корхона 16 та намунавий лойиҳа асосидаги уйни 910 млн. 895 минг сўмлик иш эвазига 2010 йил 30 ноябрга қадар битказиб бериш мажбуриятини олади.

Бироқ, А.Иминов хусусий корхона иш юритувчиси А.Воҳидов, Андижондаги "Эркин текстиль" МЧЖ бошлиғи Т.Имомбердиев, "Савдо ишонч омад" МЧЖ бошлиғи Х.Хамзаев, "Андижон темп савдо" МЧЖ бошлиғи Д.Раҳимов ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК мутахассиси Ф.Қурбоновлар билан тил бириктиради-да, уй-жойларни қуриш

Ф.МУҲАММАДИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Н.ҲАКИМОВ,
вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси

учун корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушган 858 млн. 286 минг сўм маблағдан 600 млн. 127 минг 450 сўмининг ҳақиқатда қурилиш-таъмирлаш ишлари учун ишлатилади. Қолган 258 млн. 158 минг 550 сўмдан 103 млн. 400 минг сўми эса жиноий режага асосан "Савдо ишонч омад" МЧЖ, "Эркин текстиль" МЧЖ ва "Андижон темп савдо" МЧЖларга ўтказилади. Шу йўл билан гуё пул маблағларини қурилиш материаллари учун ўтказилган дея қайд этиб, сохта маълумотлар киритиш орқали ўтказилган пул маблағларини нақдлаштирилиб, 258 млн. 158 минг 550 сўм маблаг ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинади. Энди бу "иш"ни ёпиш керак эди. Бу гал ҳам худди юқорида айтилгандек йўл тутилади. Яъни 2010 йилнинг 31 декабрь куни ҳисоботлар тузилиб, унда келиб тушган пуллар қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун сарфлангани, уй-жойлар тўлиқ режа асосида қурилганлиги қайд этилади. Расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритилиб, ҳужжатлар такроран қалбақлаштирилади ва ҳисоботлар иш юритувчи А.Воҳидов томонидан имзоланиб, ушбу ишлар ҳақиқатда ҳам бажарилганлиги тасдиқланади". Махсус штамп босилгач, ҳужжатлар "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИКга топширилади. Натияжада эса уй-жойлар қуриб битказилмасдан, уй олиш мақсадида тўловларни амалга оширган жами 16 нафар фуқаронинг қонун билан қўриқланган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар etkazилди.

Шунингдек, А.Иминов хусусий корхона бош ҳисобчиси А.Юлдашев билан тил бириктириб, Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида 2010 йилда қўшилган қиймат солиғининг 1516,6 минг сўмга, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланадиган даромад солиғининг 6013,6 минг сўмга, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан 1,5 фоиз ажратмани 113,7 сўмга, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан ягона йўл фондига 1,5 фоизли ажратмани 113,7 минг сўмга, мактабларни ривожлантириш фондига ажратмани 37,9 минг сўмга, 25 фоизли ягона ижтимоий тўловни 3835,2 минг сўмга, 4 фоизли суғурта бадалини 613,6 минг сўмга қамайтириб кўрсатиб, жами 12244,3 минг сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди.

Юқорида "Аҳрорбек савдо локс" МЧЖда ишчи-хизматчиларга иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Айнан шундай ҳолат афсуски, хусусий корхона ҳам қайд этилди. Текширишда жамиятда меҳнат қилаётган 78 нафар ишчи-ҳодимларга 2001 йил 1 август ҳолатига 10198,2 минг сўмлик иш ҳақининг берилиши таъминланмаганини маълум бўлди.

Халқимизда "Бели оғирманнинг нон ейишини кўр", деган нақл бор. Бу не бемалоллик, ишчилар меҳнат қилишса-ю, ҳақларини вақтида олишолмас... Бу ишга мутасадди раҳбарлар эса, нафақат уларнинг ташвишини-ю, янги уй-жойга кўчиш тарадудидида юрган ҳаюмюртларнинг орусини, балки ҳўкуматимиз томонидан олиб борилаётган исоҳотларини ҳам писанд қилмай, миллион-миллион маблагларни бемалол ўзлаштириш билан овора бўлсалар...

Хар қим қилмишга яраша жазо топади. Хар икки корхонанинг раҳбарлари билан уларнинг жиноий шериклари ҳам тегишли жазоларни олишди.

Раҳбарликнинг юки оғир, деган гап бор. Аммо бу юкни кўтариш ҳаммининг ҳам қўлидан келар-вермас экан. Буни қарангки, қирққа тўлиб, айна қирчиллама ёшга етган Халил Нормаматовга ана шу юк оғирлик қилиб қоли. Йўқса, кимсан, Шеробод туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи лавозимда фаолият юритаётган Х.Нормаматовнинг бировдан кам жойин йўқ, вазифасини сиққимилдан адо этиб юрган эди. Бироқ нима бўлди-ю, унинг устидан ариза тушиб, текшир-текшир бошланиб кетди.

Тамагирлик

Комил НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Афсуски, "Шамол бўлмаса, дарактнинг учи қимирламайди", деб бежиз айтилмагани каби, ариза ҳам бекорга ёзилмаган экан. Маълум бўлишича, вақти-вақти билан тумандаги яқка тартибдаги тадбиркорлардан оз-оздан бўлса-да, пул йиғиб туришни одат қилган бўлиб, бу ишда унга ҳайдовчиси Беминнат кўмак берган экан. Масалан, ҳайдовчи тумандаги бир хусусий фирма раҳбарига келиб учрашади-да, раҳбарининг топшириғи билан келганлигини билдириб, маълум миқдорда пул сўрайди. Фирма бошлиғи бўлса, кейинчалик ҳисоботларни топширишда тўққинлик бўлмаслиғи учун у айтган пулни бериб юборди. Жумладан, "Алибек саховат фазл" хусусий фирмасига келган ҳайдовчи шу йўл билан 200 минг сўм ундириб, бошлиғига олиб бериб берган экан.

Кейинги сафар эса "Алишер Акмал Нур" хусусий фирмаси бошлиғининг хузурига "ташриф буюрган" ҳайдовчи меҳмонлар келиши муносабати билан раҳбар учун хар бирининг баҳоси 10 минг сўмдан бўлган 15 ишча "Сабрани" номли ароқни "қарз"га дея олиб, машинасига юклайди-да, жўнаб кетади. Бу билан бир фуқарога 150 минг сўмлик моддий зарар etkazилди.

Бу орада бошқа бир тадбиркорнинг олдига Х.Нормаматовнинг ўзи Бегона машинада келиб, дўкандан 50 минг сўмлик пиво ҳамда салқин ичимликларни олиб кетади. Аммо маҳсулотларнинг пулини беришни "унутади". Кўп ўтмай айнан шу тадбиркорга келиб учрашган туман ДСИ бошлиғи яна меҳмонлар учун, дея бир бош кўй сўрайди. Бироқ кўйнинг ўрнига пул тақлиф қилишганда, ҳеч иккиланмай бунга ҳам рози бўлиб, пулларни чўнтағига уради.

Агар тез-тез турли миқдордаги пуллар, бир гал пиво билан салқин ичимликлар, бошқа сафар кўйнинг ўрнига пул бериб, алами ичди бўлган яқка тартибдаги тадбиркор Н.Тошпўлатов билан Х.Нормаматов тортишиб қолмаганларида, ким билсин, бу аҳвол яна қанча давом этарди. Нима бўлганда ҳам, ўша куни ДСИ раҳбари унга "Қисқа муддатли текширув ўтказиб, кунингиз кўрсатаман. Молиявий жаримага тортаман", дея дўқ уради-ю, шу пайтгача ҳамма ишларни қонуний тарзда амалга ошириб келаётган Н.Тошпўлатов бунисига энди чидай олмайдн. "Тавба, касса аппарати бўлса, солиқларни доимо ўз вақтида тўлаб борсам... Қолаверса, қарадорлигим ҳам бўлмаса-ю, бўлар-бўлмасга тергаб, ҳали унга-ҳали бунга деб пул олаверар экан-да... Охири бормикан бу бедодликларнинг..."

Устига-устак, айнан ўша кезларда ДСИ раҳбари ҳайдовчисини унинг хузурига жўнатиб, яна пул сўрайди. Ноилкоб қолган Н.Тошпўлатов "хўп, фалон вақтда келинг", дея уни жўнатиб юборди-ю, ўзи тегишли органларга ариза билан мурожаат қилади.

Келишиган вақтда яқка тартибдаги тадбиркор махсус қимёвий ишлов берилган пулларни ДСИ идорасига олиб келиб, машинасида ўтирган ҳайдовчига топширади. У қорозга ўралган пулларни олиши билан пайдо бўлган тезкор ҳодимлар ўзларини таништириб, ҳўжатларни расмийлаштиришни бошлайдилар. Холислар иштроқимда очиб қўрилган қороз ўрамадан эса, 300 минг сўм миқдордаги пуллар чиқади...

Буни қарангки, мамлакатимиз равнақи, иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқим бўлиб турган, шу боис ҳам мазкур соҳани янада ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳўкуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда юқорида қайд этилганидек, айрим шахсларнинг қинғирликларини қандай баҳолаш мумкин?

Нима бўлганда ҳам, бевосита эғаллаб турган лавозимидан гаразли мақсадларда фойдаланиб, тамагирликни касб қилиб олиш орқали мансаб ваколатини суиистеъмол қилган Х.Нормаматовнинг қонунга зид фаолиятга охири-оқибат чек қўйилди. Унга ҳамда унинг "Беминнат" ҳайдовчисига қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

«Сувоқава»даги олфирлар

Охир-оқибат омбордаги 4783 та сув ҳисоблагичлар камоматади юзага калкиб чиқди-ю, унинг ҳаловати йўқолди. Қандай бўлмасин уларнинг ўрнини ёпмаса, ҳолига маймунлар йиғлаши тайин. Чунки, камоматад айнан у шахар корхонасида директор бўлиб ишлаган даврда вужудга келган. Уйлай-уйлай вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлигининг пойига бош уриб борди.

— Энди манави киши раҳбар, шу киши билан гаплашаверинг, — деди у.

Вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланган Мақсуджон Каримов миждовлик қилмади. 4500 та сув ҳисоблагични топиб беришни зиммасига олиб, уч мингдан тўрт минг сўмгача тўлаш лозимлигини ўқитди.

— Икки минг сўмданга қурбим етади, холос, — деди «Сувоқава» шахар корхонасининг собиқ бошлиғи А.Қамбаров.

— Хўп, майли...
Вақт ўтиб борарди. Қутакта тоқти тоқ бўлган А.Қамбаров учун қундан кейин Мақсуджонга кўнғироқ қилди.

— Илтмос, тезлаштириб беринг.


— Бўпти, бошқармага мошинани юборинг-у, ўзингиз кўринмай туринг.

Шундай қилиб, 4500 та сув ҳисоблагичларни омборга тушириб, ҳужжатлар билан кириб қилиб қўйишди. Иш битганидан кейин 2010 йилнинг июнь ойи охирида А.Қамбаров бошқарма бошлиғига учради. Ҳовлида унинг қўлига 5 минг АКШ долларини тутқазгач, пора бериш эвазига корхонадаги сув ҳисоблагичлар камоматади ўрнини қоплади. Кўнгли жойига тушди-ю...

Энди вилоят бошқармасининг бошлиғи гирибонидан олди:

— Берган пулингиз бир минг беш юзта ҳисоблагичга етди, холос. Қолганини ҳам тўғрилаб қўйинг.

— Бўпти, Мақсуджон, тагин икки миллион сўм топиб бераман...



У эрта-индин дея орта сурар, тамагининг кўзига кўринмасликка тиришар, кўнғирқларига жавоб бермасди. Бирок, пулни топиб бермагунча қутула олмаслигини тушуниб, тегишли идораларга мурожаат қилди...

Унинг мурожаати бўйича бошқармада ўтказилган текширишда уюшган жиноий гуруҳнинг жуда кўп миқдорда ўзгани мол-мулкни талон-тороҳ қилиш ва ўзлаштиришдан иборат жиноий қилмиши фош этилди.

Уюшган жиноий гуруҳ ташкилотчиси М.Каримовга омад қилиб боққан эди. 42 яшар йигит вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланди-ю, корхона ва муассасаларга, аҳолига хизмат кўрасатишни яхшилаш, мавжуд қарздорликларни бартараф этиш, ичимлик сув етказиб беришдаги носозликларнинг олдини олиш каби хизмат бурчини адо этиш ўрнига, ўз ҳамёнини қаплатиришга бел боғлади. Иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Мухаммадали Мадяров ҳамда бош ҳисобчи Иброҳимжон Аҳмедовлар билан келишган ҳолда, турли корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, етказиб берилмаган нарсаларга пул ўтказиб, нақдлаштириб олиш, харид қилинаётган буюмларни бозор нархига нисбатан ортиқча баҳолаб, етказиб беришга ўтказилдиغان маблағни нақдлаштириб, 80 фоизини қайтариб олиш,

бошқарма қошидаги шўъба корхоналарга туширилган маблағларни ими-жимиди ўзлаштириш хусусида жиноий тил бириктирди.

Бошланмишга Андижон шаҳридаги «Andijon Shinjon servis» МЧЖ билан темир қувурлар хариди хусусида шартнома тузилиб, ҳар бир килограмми 1800 сўмдан баҳоланган, диаметри 820 мм.лик салкам 14,1 тонна темир қувурлар учун МЧЖнинг бандажи ҳисоб рақамига 25 млн. 375 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. МЧЖ раҳбари Р.Алимов эса ўзаро келишувга асосан, аслида мавжуд бўлмаган темир қувурлар учун ўтказилган маблағнинг 80 фоизини, яъни салкам 21 млн. 300 минг сўм нақд пулни М.Каримовга топширади. Жиноят изини ёпиш учун темир қувурлар топширилгани ҳақида сохта юк хати ҳам расмийлаштирилди. 2010 йилнинг 18 октябрида худди юқоридагидай «Сувоқава» бошқармасига «Dangara trade invest» МЧЖ томонидан гўё 10 тоннадан зиёдроқ темир қувур етказиб бериш ҳақида шартнома тузиб, етказиб беришга 18 млн. 144 минг сўм пул маблағларини ўтказишди. Келтирилган темир қувурлар қабул қилиб олингани ҳақида сохта юк хати тўлдириб, имзоланади. Ўтказиб берилган пул маблағининг 80 фоизи — 14 млн. 500 минг сўми МЧЖ раҳбари И.Кимсанбоев нақд пул шаклида уларга келтириб берилади. Юқоридаги икки ҳолат-

Шухрат МУСАЕВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

да жиноий гуруҳ аъзолари бошқарманинг 43 млн. 520 минг сўм пул маблағини ўзлаштиришди.

Бундан ташқари, бошқарманинг «Фаргонаазот» ОАЖдан 17,1 млн. сўмлик ҳақини уч томонлама шартнома тузиб, гўё ишчи-хизматчиларга сут маҳсулотлари етказиб беришни учун зиммасига олган хусусий тадбиркор И.Собировнинг бандажи ҳисоб рақамига ўтказиб юборишди. Тадбиркор бошқарма ишчи-ходимлари учун бир литр ҳам сут келтирмаганини тан олди.

2011 йил апрель ойи охирида М.Каримов, И.Аҳмедов ва М.Мадяровлар «Марғилон савдо қурилиш имкон» МЧЖдан гипохлорид-кальций (ичимлик сувга қўшилиладиган хлор) ва бошқа нарсаларни сотиб олиш ҳақида ишчи-ходимлари тузишди. Ҳар бир килограмми 12 минг сўмдан сотиб олишга келишиб, 10 тонна хлор учун 120 млн. сўм пул ўтказиб беришди. Суд экспертизаси хулосасига қўра, ўша пайтда ушбу маҳсулотнинг ҳар бир килограмми 6 минг сўмга нархланган. Устаси фаранглар савдо корхонасига икки баробар қиммат нархда пул ўтказдириб, ортиқча ўтказилган маблағни ҳам ўзлаштириб олишди.

Бошқарманинг солиқлардан кўп миқдорда қарзи бўлгани туфайли ҳисоб рақамига инкасса қўйилган, келиб тушган маблағ аввало, солиқ тўловларини қоплашга ўтказилиши, ундан ортса, ўзаро ҳисоб-китобларга сарфланиши лозим эди. Ҳисоб рақамига келиб тушадиган пулни айлантириб, фойда кўрмоқчи бўлган бошқарма бошлиғи билан ходимлар инкассани четлаб иш қилиш йўлини топишди. Қарздор корхоналарга пул маблағларини бошқармага қарашли бўлган, «Халк банки» Қўштепа туман бўлимида иккиламчи

ҳисоб рақами очилган Аэрация станциясига ўтказиш ҳақида топшириқномалар беришди. Дебитор қарзларни станция ва бошқарма қошида ташкил этилган «Фароқавасувтамир» шўъба корхонасининг ҳисоб рақамига туширишди. 2011 йил январь ойдан май ойигача Фаргона нефтни қайта ишлаш заводидан бўлган ҳақдорликнинг 570 млн. сўми Аэрация станцияси иккиламчи ҳисоб рақамига келиб тушади. 2010 йил июль ойдан 2011 йил май ойига қадар бошқарма қошидаги шўъба корхонаси ҳисоб рақамига турли қарздор корхоналардан салкам 53,2 млн. сўм пул маблағи ўтказилди. Биринчи навбатда солиқ тўловларига йўналтирилиши лозим бўлган бу маблағлар мақсадсиз сарфланди. Шу тариха бошқарма мутасаддилари жуда кўп миқдорда солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлашди.

Жиноий гуруҳ аъзолари хизмат вазифаларини бажармай, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминламаганлари оқибатида бошқармага 26,1 млн. сўм пеня ва жаримлар солинади. Бундан ташқари, улар муддати ўтган 2 млрд. 267 млн. сўмлик дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрмасдан, 260,6 млн. сўмлик иш ҳақлари тўловларининг муддатини ўтказиб юбориб, давлатнинг ва ишчи-ходимларнинг манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишди.

«Сувоқава»даги жиноий гуруҳнинг иши судга оширилди. Суд мажлисида бошқарманинг собиқ бошлиғи М.Каримов, ўринбосари М.Мадяров, бош ҳисобчи И.Аҳмедов, «Dangara trade invest» МЧЖнинг собиқ раҳбари И. Кимсанбоев, хусусий тадбиркор И.Собировнинг содир этган жиноий қилмишлари ҳужжатли далиллар билан тўқис иботланди. Бошлиқ, ўринбосар ва бош ҳисобчи 6 йилдан 11 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. МЧЖнинг собиқ раҳбари ва хусусий тадбиркорга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Улардан етказилган 108 млн. сўмлик зарарни солидар тартибда ундириш ҳақидаги прокурорнинг давво аризалари қаноатлантирилди.

«Қобилияти» панд берди

Маммурижон ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим
прокурори

Инсон яралгандан бери унга соялек эргашиб юрадиган иллатлардан энг кўп учрайдигани фирибгарлик бўлиб, у бошқа жиноятлардан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Агар ўғри мақсадини буюм эгасининг йўқлигини фойдаланиб амалга оширса, фирибгарнинг маҳорати туфайли мол эгаси қимматбаҳо буюмларини қўлдан қандай чиқарганини ўзи ҳам билмай қолади.

Шунингдек, фирибгарларнинг яхшигина психолог эканлигини ҳам эсдан чикармаслик керак. Улар баъзан «иш»га пухта ва иқир-чиқиргача тайёрлансалар, гоҳида шундай қобилиятлари ҳам учрайдики, бундайлар ҳеч қандай тайёргарликсиз энг эҳтиёткор шахсининг ҳам хушёрлигини зумда «синдирадилар». Шулардан ҳам кўриниб турибдики, бундай фаолият билан шуғулланувчиларнинг аксарияти ўзига хос «қобилият»га эга бўладилар. Сирдарё вилоятилик Содиқ Муродов (исм-фамилялар ўзгартirilган) ҳам бундан икки йилча аввал ўзида ана шундай ноёб «қобилият» борлигини сезиб қолди-ю, вақтини ўтказмай ишга киришди.

2009 йилнинг февралда. Пойтахтнинг халқа йўли яқинида жойлашган чойхона билан 20 сотих ерга харидор бўлган таниши Ҳ.Ҳакимовга «ердам» бериш-

ни ваъда қилган С.Муродов, 10 кунда ҳамма ишни ҳал қилишга уни ишонтириб, бир ҳафта мобайнида 15 минг АКШ долларини миқдорда пул олади. Аммо ваъдасига вафо қилишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Орадан бир ойча вақт ўтгач, яна бир танишига «Эл кабел Шош» фирмасига тегишли электр симларнинг шартнома асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик орқали сотиб беришни ваъда қилиб, унинг 10 минг долларини қўлга киритади.

«Қобилияти» иш бераётганидан руҳланган С.Муродов айнан вазирилик орқали иш юритишни режа қилиб олади-да, ердан сўраб мурожаат қилган таниши Ҳосила Сафарованинг ҳисоб рақамига Қашқадарё вилояти ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимиятининг ҳисоб рақамидан 39 млн. сўм пул маблағи тушириб бериш унга қийин эмаслигини, вазириликда танишлари қўлигини писанда қилиб, ундан 4 минг 700 АКШ долларини олиб, гошиб бўлади.

Дастлабки уринишлари «иш» бергач, секин-аста бошқа вилоятларни ҳам «ўз тасарруфига» олишни бошлаб, май ойининг охирида Сурхондарё

вилояти Қизирик туманидаги мактаблардан бирининг тендерда ютишига «юз фоиз» қафолат бериб, К.Қобулова ҳамда С.Турсуновлардан 10 минг АКШ долларини олган С.Муродов яна бадар кетади.

Июнь ойига келиб, фуқаро У.Самадов унинг юқори лавозимлардаги танишлари орқали Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик тизимига раҳбарлик лавозимига ишга жойлаштириб қўйиш қўлидан келишини эшитиб, қандай қилиб 17 минг АКШ долларини тутқазганини ўзи ҳам билмай қолган бўлса, С.Ҳабиев Сурхондарё вилоятидаги туманлардан биридаги ўрмон хўжалиги директорилик учун 3 минг 500 АКШ долларини келтириб берилади. Афсуски, бу маблағлар яна С.Муродовнинг қиссасидан жой олади.

Айтмоқчи, С.Муродовнинг нафақат вазириликда, балки турли олий ўқув юртиларида ҳам «танишлари бисёр экан». Йўқса, Тошкент умумқўшин Олий ҳарбий билими юртига ўқишга кирмоқчи бўлиб, ердан сўраган фуқаро Ю.Саъдуллаевдан «хизмат ҳақи» учун 2 минг 700 АКШ долларини олганими? Ёки яна бир танишининг уқасини Тош-

кент Давлат Ирригация институтига ўқишга жойлаш учун 4 минг 700 АКШ долларини, ишонинг ишончилигини таъминлаш мақсадида эса абитуриентнинг ҳарбий гувоҳномаси, паспортининг нусхаси, тиббий маълумотнома-ю, фотосуратларини ҳам олишга уни нима мажбур қилди экан? Айнан шу институтга ўқишга киришни мақсад қилиб, С.Муродовга учрашгач, 1000 АКШ долларидан ажралган Ю.Соҳибов, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига жиянлари Ҳасан ва Ҳусанларни ўқишга киритишдаги «ердам» и учун унга 7 минг АКШ долларини тутқазган А.Жабборовларнинг ҳам охир-оқибат «қўзлари очилди».

Ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, вақти келиб, С.Муродовнинг ҳам «қобилияти» унга панд берди. Жиноий ишлари ошқор бўлиб, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмасор туман судининг ҳукми билан унга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

— Бугун Анора янга билан гаплашувдим, - ишдан қайтган ўғлим Ойбекнинг юзига умида билан тикилганча гап бошлади онаси. — Унинг гаплари қанчалик рост-ёлгон билмадим, аммо сени Россияда ишлаётган эри билан ўғилларининг ёнига юбориши мумкинлигини айтди. Ҳар ҳолда бир-икки сўм ишлаб келиб, сизни даволатади, деди. Шунга сенинг келишингни кутиб ўтирдим...

Ойбек онасининг гапларини эшитар экан, юраги эзилди. "Қани, энди сеҳрлар бўлса-ю, онасини бу бедаво саратон касаллигидан халос этса... Афсуски, бунинг иложи йўқ. Анча-мунча докторлар билан гаплашиб кўрган, улардан даволанишининг узлуksиз бўлиши учун катта пул кераклигини эшитиб, боши қотган эди..."

— Ойи, Анора янга деганингиз ким? Уни қаердан танийсиз? — у онасини ноумид қилмаслик учун саволга тутди.

— Маҳалламизга кўчиб келганига икки-уч йил бўлибди. Сурхондарёликлар экан. Менинг касаллигимни маҳалладаги аёллардан эшитиб, олдимига келибди. Эри билан ўғли Россиядаги қурилишда ишлашаркан. Анча-мунча сўзлари ўтадиган шеклиди, агар ўғлимиз борадиган бўлса ўғлимга айтаман, қурилишда маоши 500 долларлик иш топиб беради, деди...

Олмалик шаҳридаги янги коллеж қурилишида ишлаб юрган Сори Сапаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ниҳоят анчадан бери кўз остига олиб юрган кўшини Мамасиддиқнинг кўнглига гўлгула солишни бошлади.

— Шу ҳам яшашми, ака? Инсон ҳаётга бир марта келади... Яхши яшаш керак. Бунинг учун эса яхши пул топиш керак...

— Нима бало бўлди сенга, туппа-тузук ишлаб юривдинг... Яхши яшаш учун Сурхондарёдан келмаганимдинг? — унинг гапини бўлди Мамасиддиқ.

— Э-э, гапингиз тўғри, акагинам. Бироқ бундан-да яхши яшаш учун яқинда Россияга кетмоқчиман. Бошида ойига 500 доллар, кейинчалик ундан ҳам кўпаядиган иш бор... — Мамасиддиқнинг унга қизиб қараб турганини кўрган Сори янада илҳомланиб, гапида давом этди: — Иш вақти саккиздан бешгача, шароитлари яхши. Бу факт. Ахир, отам билан акам ўша ерда қурилишда ишлашади. Таниш-билишлари ҳам етарли...

Анора янга бир томондан, ўғли Сори иккинчи томондан Россияга бориб ишловчилар сифини кенгайтириш пайига тушибсан эди. Сори Мамасиддиқ қатори шу қурилишда ишлаётган Уразбай билан яна уч йигитини ҳам Россияга бориб ишлашга қизиқтириб қўйди.

Бу орада онаси Анора янга Сотиболди исмли йигитнинг ҳеч қаерда ишламай бекор юрганлигини билиб, уни ҳам ўз даромад манбаини таъминловчи ёлланма ишчилар қаторига қўшиб улгурди. Ишга таклиф қилинганлар Сориға, қолаверса, унинг онаси Анора янганинг гапларига ишониб, йўл тадоригини кўра бошлашди. Ана-бола "ишбилармон"ларнинг кўрсатмаси билан ёлланаётган ишчилар 2008 йилнинг ёз кунларининг бирида йўл олдидан уларнинг уйда йиғилиши.

— Айтганимдек, йўл кира учун уч юз минг сўм олиб келдингизми? — гап бошлади Анора янга келганларнинг паспортларини йиғиб олар экан. — Айтиб қўйиб, бу пул поездга чипта учун. Қолган сарф-харажатларни ўғлим тўлайди, уни борганингиздан кейин ишлаб беришаркан. Манзилга етиб борган, сизларни катта ўғлим Қахрамон кутиб олади. Ишоняверинг, иссиқ овқат, ётиш-туриш дегандек, ҳамма шароитлари бор. Асосийси эса, бир-

икки сўмлик бўласизлар.

Узини оналардек хайрихоҳ кўрсатаётган бу аёлнинг гаплари уларнинг иштиёқини янада оширарди...

Холва деган билан...

Сотиболди, Мамасиддиқ, Уразбай, Ойбек ва яна уч-тўрт нафар йигит Анора янганинг кўлига уч юз минг сўмдан пул бериб, "Тошкент" вокзалига етиб келишди. Бироқ, улар Россияга нима учундир янга айтганидек, поездда эмас, аксинча, Қозоғистон чегараси орқали, паспортларига муҳр бостириб, йўлга чиқишди. Чегарадан ўтганлари ҳамон уларни Сори ва Анора янга билан телефон орқали гаплашган нотаниш қозоқ йигитлари кутиб олиб, "Паз" русумли автобусга чипта беришди.

Йигитларга берилган ваъдаларнинг илк ёлғони худди мана шу ердан бошланган эди.


Ўз ичига 70 кишини сиғдирган "Паз", кечаси Чимкент шаҳридаги йўловчи олиш мумкин бўлмаган поезд станциясига етиб келди. Қозоқ йигитлар ишлаш учун кетаётган 45 нафар кўнглини "Тошкент-Москва" поездига қўқариб, бўш жойи бўлмаган вагонларга жойлаштиришди. Ниҳоят, 2008 йилнинг 15 июнь кунини вагон йўлакларидан тонг оттириб, туш вақтида Москвага, "Қозон" вокзалига етиб келган йигитларни Анора янга айтганидек, ўғли Қахрамон кутиб олди. У ўзига тегишли ҳамюртларини эргаштирганича, Подольск шаҳрига, отасининг таниши бўлиши прораб — арман йигитининг олдига олиб бориб, унга топширди. Шундай қилиб, ишга киришган йигитлар бетон қорихмасини қолипларга қуйиб, брусчаткалар расой бошлашди. Тасвир, қийинчилик бўлишини гаравур қилган бўлсалар ҳам ваъда қилинган иш жойида ишлашни режа қилиб келганликлари босиб, нуқул шарт-шароитдан норози қайфиятда иш бошладилар. Орадан бир ойна вақт ўтиб, Мамасиддиқ билан Уразбай прорабдан иш ҳақларини сўрашга қарор қилишди-ю, балога қолишди.

— Иш ҳақи? Қанақа иш ҳақи? Ахир мен сизларни Соридан 500 долларга сотиб олганман. Иш ҳақи дейди-я! Аввал сизлар учун сарфлаган пулимни ишлаб беришаркан! — арман йигитининг бу гапини эшитиб, Сори билан унинг онасига ишонди, қаттиқ адашганини англаган Мамасиддиқ йигитларга бosh бўлиб, прорабдан ҳеч бўлмаганда иш вақтидан беш пайтларда у ер-бу ерларга чиқи, уйга қайтиб кетиш учун йўл кира ишлаб келишга рухсат олди. Орадан беш ой ўтиб, 500 долларлик маош у ёкда турсин, орқача бир сўм ҳам ишлай олмаган Мамасиддиқ, Уразбай ва Ойбеклар арман йигитга тегишли қурилиш объектидан қочиб кетишди.

Ўзга юртда бек бўлиб яшаш орузсида келиб, охир-оқибат бу ерининг гадосига айланган алданганлар энди рус миллатига мансуб бир шахснинг қурилиш ишларига ёлланади. Арман прорабдан фарқли ўлароқ, бу инсон одамгарчилик қилиб, уларга 500 доллар ойлик ваъда қилмасда-да, йўл пулини тўлашга рози бўлди.

Бировнинг ҳақи буормайди

2006 йилнинг май ойида Россияга ишлашга кетаётганлар сафига қўшилиб йўлга чиққан Қилич Сапаевнинг у ерларда иш топиши ўзи хаёл қилганидек



А.АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
М.ДУСИЯРОВА,
«Нуқид»

осон бўлмади. Ўзга юртнинг паст-баланди, иссиқ-совуғига мослашганига қадар Можайск шаҳридаги турли қурилишларда ёлғаниб ишлаб юрди. Орадан ўтган олти ой вақт ичда у фиш териш бўйича анча кўзга кўриниб қолди. Ўзидан кейин келаётган ёлланган ишчиларга қараганда уста даражасига етганлиги сабабли, бошқа прорабларнинг ҳам эътиборига тушган эди. Ҳар ҳолда қўлидаги хўнари билан кўчада қолмасликни билгач, 2008 йилнинг октябр ойида Ременск шаҳридаги қурилиш объектларидан бирида фиш терувчи бўлиб иш бошлади. Қараса, ён-атрофида ўзига ўхшаб иш излаб келган йигитлар талайгина. Аксариати тил билмаслигидан, бошқалари қўлида тайинли хўнари бўлмаганлигидан иш топиш масаласида қийналишарди.

"Бундайларга бошчилик қилсанг, кам бўлмайсан", у миясида шундай хаёлларни обдон пишитиб олгач, телефон орқали оиласи билан боғланди-да, Россияга келиб ишлайман, деган хайрихоҳлардан бир-иккитасини ўзининг олдига юборишларини тайинлади. Сила бош-лиқи Қилич Сапаевнинг топшириғига кўра хотини Анора янга билан икки ўғли тезда ишга киришиб кетишди. Бу орада иккинчи ўғил Сори икки-уч нафар нотаниш йигитлар билан Уразбайни отасининг олдига олиб борди. Афсуски, бу вақтда кунлар совуб, иш ҳажми кмайган эди. Шундай бўлса-да, Қилич ака бир ўқ билан икки кўнни овлаш мақсадида уларни таниш бўлиб қолган арман йигити Геннадийнинг қурилиш тугалланмаган объектда ишчи бўлиб ишлашларини айтиб, йигитларни шу ерда қолдирди. Уразбай ўзи каби келган йигитлар билан бирга ўй қурилишида иш бошлади. Ниҳоят, ваъда қилинган ойлик бериш вақти ҳам қиялашди.

— Ойлик маошингиз берилмайдиган бўлди, — деди эрта-лдан қурилиш объектга келган Қилич ака. — Сизларга ва қолган ишчиларга бериладиган пулни чирчилик Роман деган йигит ўйирлаб кетибди. Прорабнинг ҳақли чиққан. Бу ишда сизларнинг ҳам қўлингиз бор, деда таҳмин қилипти. Аҳвол чаток! Энди, ҳар бирингиз 15 минг рублдан ишлаб, ўйирланган пуллари тўламангиз бўлмайди. Мен уни шунга кўндирдим...

Бегона юрт, бегона одамлар орасида чорасиз қолган йигитларнинг дарди ичда, бўйин эгиб қолаверинди...

Бошинг омон бўлса ҳар нени кўрасан, деб беҳиж айтилмайди. Йигитлар ўйирланган пул-

ларни ишлаб бериш билан бирга ўйларига жўнатиш, қорин тўйдирishi учун ҳали "Домодедова" аэропортида, ҳали бирор бойваччининг уйда қора ишларни қилиб, бир-икки сўм пул ишлашди. Вақт ўтиб, уларни Қилич ака ўзининг бригадасига олиб ўтди. Бироқ Уразбайнинг икки ой ишлаб олган 5 минг рубл пулидан мингини Қилич аканинг ўзи қарз сифатида қайтариб олди.

— Ўзингича ўзагингни кесса, додингни кимга айтасан, мана, иш ҳам йўқ, Бекордан-Бекорга Қилич аканинг қўлида қарам бўлиб ўтираверамизми? Ундан кўра арман прорабнинг олдига бораёйлик, балки бирор иш топилиб қолар, балки иввал ишлаган иш ҳақимизни сўраемиз, — деди охири Уразбай шерикларига. Бу таклиф ҳаммага маъқул келиб, арман йигитининг олдига йўл олишди. Аммо арман прораб уларнинг ҳар ойлик маошини Қилич акага бериб келганини айтди. Шундагина Қилич ака ўз юртдошларининг ҳақиға хиёнат қилиб, уларни турли баҳоналар билан алдаб келганлиги маълум бўлди.

Пул ишлаб келиш мақсадида иссиқ уйдан узоқ Россия шаҳрларига келиб, бир сўм ҳам ишлай олмаган Ойбек у ер-бу ерлардан ишлаган кунлик, ҳафталик меҳнатидан йиққан пули билан Олмаликқа қайтиб келди. Бироқ, шунча қийинчилик кўриб ҳам озги қуймаган шеклиди, 2009 йилнинг июль ойида яна Сори билан кўришиб қолиб, унинг "ололманган иш ҳақингни олиб бераман," деган "ваъда"-си билан яна Москвага кетади. Бу сарф ҳам иши ўнгидан келмагач, юқорида айтиб ўтилганидек, Мамасиддиқ, Уразбай ва бошқа йигитлар билан 4 ой давомида "ўйирланган" пуллари учун ишлаб бериб, рус йигитининг ҳиммати билан уйга қайтишга йўл пули ишлайди.

Шундай кунларнинг бирида уларнинг олдига Қилич аканинг катта ўғли Қахрамон келиб, Ўзбекистонга кетаётгани, агар жўнатиладиган бир-икки сўм пули бўлса, олиб кетиши мумкинлигини айтди. Йигитлар жўнатиладиган пулни ҳали ишламаганиларини, Ойбек эса уйга, қасал онасининг олдига шошлайтганлигини айтди ва у Қахрамон билан 2009 йилнинг 15 сентябрида йўлга тушади.

Россия билан Ўзбекистонни айро тутиб турган минглаб километр масофани автобусда босиб ўтадиган бўлишди. Табиийки, ўзаро ҳамсуҳбат бўлиш ва албатта, уйку узок йўлни яқин қилувчи воситалар ҳисобланади...

"2009 йилнинг 15 сентябрь кунини Қахрамон ака билан уйга қайтиш учун йўлга тушдик. Йўл узок бўлгани ва чарқокдан ухлаб қолибман. Бир вақт нотаниш бир йўловчи шерингиз ўйиб қолди, туринг, дея мени уйготди. Мен туриб қарасам, шеринг Қахрамон ака ҳақиқатан ҳам ўйиб қолган экан..." (Суд терговидеа гувоҳ сифатида берган кўргазмасидан)

Бу пайтда улар ҳали Қозогистон худудида эдилар. Бу воқеадан сўнг Қозогистон Ички ишлар ходимлари суриштирув ишларини бошлашар экан, Ойбекдан ҳеч қаерга қочиб кетмаслики ва Қахрамоннинг оиласидан бирорта одамнинг телефон рақамини беришини сўрашди. Ойбек 5 кун давомида шу атрофдаги чойхоналардан бирида, то Қилич ака ўғлининг мурдасини олиб кетишга келгунча кутиб ўтиришга мажбур бўлди...

Даромад яхши, бироқ унинг бурдомади ёмон. Ёмонлиги, воқеа қахрамонларининг ҳар қайсиси бориға қаноат қилмаслик ва нафс оқибатида ҳўрлик ва нотавонликка тушиб ўтирибди. Онасини даволатиш учун кўп пул топиш мақсадида иссиқ жойини совутган Ойбек алдов йўлида бир вақт, икки бора вақтини бой бермадики? Сорининг гапларига ўчиб, туппа-тузук ишлаб турган иш жойини ташлаб кетган Мамасиддиқ, Уразбай, Сотиболди ва бошқалар меҳнатлари билан бир-икки сўм топишган бўлишлари мумкин. Бироқ, ўзга юртда хор бўлиш, ноинсофлигу хиёнатнинг азобларини ана шу бир-икки сўмга қўшиб сотиб олишмадики?

Балиқ қармоққа ўз нафси билан илинади. Бироқ, бугун одам савдоси қурбонига айланиб, жабр чекаётганлар балиқ эмас, аксинча инсонлар-ку! Ана шу инсонларнинг ҳатто тасаввурларидан ҳам бўлмаган ўзга юртларга кетишлари ва аксариyat ҳолларда қутилмаган қийинчиликларни бошларидан кечирishi мумкинлигини билган ҳолда фирибгарларга алданиб, қийин аҳволга тушиб қолишаётгани сир эмас. Қолаверса, ўзгалар меҳнатидан фойдаланиб, даромад топиш мақсадида одам савдоси жинноятини содир этаётганлардан ташқари, пул илжинида орқалдини ўйламай, турли ваъдаларга ишониб кетаётганлар ҳам ушбу жинноятнинг ажл олишига бевосита сабабчи бўлишмаптими?

Бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш ҳақида эса гапиршинг ҳожати ҳам бўлмаска керак. Қилич Сапаев ва унинг турмуш ўртоғи Анора Сапаевалар бу каби ишларнинг охири вой бўлишини билмайдиган ёшдаги инсонлар эмас. Улар ўз фаолиятларини ўзгалар меҳнатидан фойдаланиш эканлиги, қолаверса, одам савдоси жинноят дея аталшини билмаганлар деб бўлмайди. Энг ёмони эса жинноятнинг билиб туриб қилингани ҳисобланади. Буни қарангки, юқорида баён этилган ҳолатда бир ёки икки шахс эмас, балки, бутун бир оила иштирок этган. Бундан-да, ёмони, бу қабулликка ота-онанинг раҳнамо бўлгани...

Одам савдоси жинноятини содир этишда бош бўлган Қ.Сапаевга ҳамда А.Сапаеваларга Жинноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жинноят кодексининг тегишли моддалари ва бандларига кўра тегишли жазо тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси «ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари»ни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини хоржий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2010 йил 9 декабридаги 02-8078-сонли йиғилиш баёнининг қарори, Давлат комиссиясининг 2011 йил 25 апрелидаги 02-836-сонли йиғилиш баёнининг 3.3.1-бандига мувофиқ, инвестиция мажбуриятлари билан "ноль" қўйматида сотилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги "Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари тўғрисида"ги 141-сонли қарорига мувофиқ озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танловга қўйилган объектлар ва уларнинг сотиш шартлари

